



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY QURULTAYI

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 28 апрель, № 84 (4747)

Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МФС ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИ УЧРАШУВИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2009 йил 28 апрель кун Олмаотада Халқаро Оролни қўтариш жамғармасини таъсис этган мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этади.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ


**Мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи чорагида қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидланганидек, Президент Ислам Каримов томонидан белгиланган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари ижроси юзасидан изчил ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида аниқ шундай юқори натижага эришилди.**

**М**азкур даврда йўл ва ижтимоий соҳа объектларидан ташқари, 1441,8 минг квадрат метр уй-жой бунёд этилгани, унинг 1219,8 минг квадрат метри қишлоқ жойларга тўғри келгани алоҳида эътиборга моликдир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида кўзда тутилганидек, қурилиш ва обodonлаштириш ишлари йил давомида шундай жадал суръатда давом этаверади. Бу, ўз навбатида, қурилиш материалларига нисбатан талабнинг юқори бўлишидан далолатдир.

Шу ўринда «Ўзқурилишматериаллари» компанияси тизимидаги корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани ички имкониятларни янада кенгайтириб юборганини таъкидлаш жоиз. Қурилиш ташкилотлари ва аҳолининг қурилиш ашёларига бўлган эҳтиёжи ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондириляпти. Жумладан, цемент етказиб беришда «Оҳангарон-цемент» очик акциядорлик жамиятининг муносиб улуши бор.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган тўрт турдаги цементта нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб катта. Утган йили корхона маҳсулоти Германиядаги махсус лаборатория текширувидан ўтказилиб, сифат кўрсаткичлари бўйича юқори баҳолангани



мижозларни янада кўпайтирди. Чунки корхона маҳсулотларидан йўл қурилишида фойдаланиш мумкинлиги эътироф этилди.

Буюртмачиларга узлуксиз маҳсулот етказиб бериш, ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора кенгайтириш мақсадида мавжуд

қеллар босқичма-босқич модернизация қилинапти, техника паркы замонавий техникалар билан бойитиб бориляпти. Яқинда жамиятга Япониянинг «Hitachi» компаниясида ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги экскаватор келтирилдики, бу «Қўшбулоқ» карьер-

ридаги ишларни янада жонлантириб юборди. Айни пайтда ушбу қудратли техника кучидан унумли фойдаланилиб, оҳақтош юкланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

Жомбой туманида фаолият кўрсатаётган «Diamond glass» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси 280 минг АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ҳисобига ташкил этилди.

## Маҳаллий хом ашё ҳисобига

Айни пайтда бу ерда етти турдаги рўзгорбоп шиша идишлари тайёрланаёпти.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида корхонада 167 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Яқинда бу ерда яна бир янги дастгоҳ ўрнатилиб, кулдон, гулдон, мураббо ва конфетлар учун мўлжалланган идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

А. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган шаҳридаги «Намимпекстекстиль» масъулияти чекланган жамияти пахтадан калава ип ва нотўқима мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

## Экспорт салоҳияти ортмоқда

Корхонанинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг 70 фоизи хорижга экспорт қилинаёпти.

280 киши меҳнат қилаётган жамоада жорий йилнинг биринчи чорагида бир миллион 50 минг АҚШ доллари миқдорига экспорт амалиётлари бажарилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан жойларда кенг қўламли ишлар олиб борилямоқда.

## Пухта таратқуд

Хусусан, Жиззах вилоятида 330 километрлик ҳўжалиқларро сугориш тармоқларини тозалаш режалаштирилган эди. Амалда қузғи-қишки даврда бу иш ошириб бажарилди.

Бундан ташқари, 239 километрлик ички ариқлар техникалар ёрдамида, 585 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар, ички каналлар фермер ҳўжалиқлари ишчилари, аҳоли томонидан таъмирдан чиқарилди. Натижада галла ниҳолларини баҳорги сугориш даврида узилиш бўлмади.

Б. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Нурота туманидаги Темирқоқув кўрғонига замонавий қишлоқ ҳўжалиги коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди.

## Тоғ бағрида муҳташам коллеж

Тоғ тизмалари этагида бунёд этилган ушбу билим маскани «Нурота» наслчилик ширкат ҳўжалигидаги 9 та ўрта таълим мактабини тутатган ёшларни ўз бағрига олди. Энг муҳими, бу гўшада таҳсил кўраётган ўқувчилар ахборот технологиялари, информатика, бухгалтерия ҳисоби, аудит, фермер ҳўжалигини бошқариш, қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш йўналишларини чуқур ўрганмоқдалар.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ БЎҲРОНИНИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БАРТАРАФ ЭТМОҚДА

Саудиянинг «Ал-Жазира» газетасида «Жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф қилиш бўйича Ўзбекистоннинг «йўл харитаси» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

«Ал-Жазира» газетаси кўнига 75 минг нусхада босилиб, Саудия Арабистони подшоҳлигининг барча ҳудудларида, шунингдек, Форс кўрфазини мамлакатлари, Миср ва Йорданияда кенг тарқатилади.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби, шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2008 йил якунларига оид маълумотларнинг таҳлили асосида тайёрланган.

Унда, хусусан, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатган бўлишига қарамастан, мамлакат нафақат жаҳон инқирози

буҳронини муваффақият билан бартараф этишга эришаётгани, балки ўтган 2008 йилни катта ижобий кўрсаткичлар билан якунлагани таъкидланади.

Мақолада республиканинг самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид асосли рақамлар келтирилган. «Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида нафақат жаҳон инқирози оқибатида юзага келадиган таҳдидларни бартараф этишга, балки умуман, инқироздан кейинги даврга оид том маънодаги «йўл харитаси»ни тақдим этди», дейилади.

«Президент Ислам Каримов ўзининг янги «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобида юзага

келган мураккаб шароитда мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг устувор йўналишларини холис ва танқидий таҳлил асосида белгиланган, — деб ёзди «Ал-Жазира» газетаси. — Ўзбекистон, глобал иқтисодий маконнинг ажралмас тарихий қисми сифатида, иқтисодиётдаги аниқ шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ биринчилардан бўлиб Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришди. Дастур назоратини таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва худудий гуруҳлар ташкил этилди. Инқирозга қарши чоралар дастурида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган:

(Давоми 2-бетда).

## ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА



Тошкентда ўтказилган II Республика инновация гўялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасида реал иқтисодиёт тармоғи ва ижтимоий соҳа вакиллари мамлакатимиз олимларининг энг истиқболли ишланмалари билан танишиб, уларни жорий қилиш бўйича шартномалар имзолаш имконига эга бўлади.

Унда Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Академас-боб» илмий-ишлаб чиқариш биразмаси ҳам Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқариш самара-

дорлигини ошириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган янги лойи-

ҳалар билан иштирок этади. Ушбу лойиҳалардан бири — замонавий микропроцессор ва коммуникация техникаси қўлланадиган, автоматик бошқарув ҳамда телемеханика

(Давоми 2-бетда).

## ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР МУҲОКАМАСИ

Вилоят ҳоқими Р. Холматов бошқарган йилгилишда ҳисобот даврида виллоятда ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга ўсгани қайд этилди. Саноат маҳсулотлари ҳажми 10,2 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 7,6 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 7 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12,4 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 14,3 фоизга, чакана савдо айланмаси 17,8 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиш 24,3 фоизга ортди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурига кўра, виллоят бўйича беш мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари ташкил этилди. Умуман, йил бошидан буюн шаҳар ва туманларда очилган иш ўринлари сони 18 мингдан ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига 34,5 миллиард сўм кредит маблағлари акратилди. Чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қорамоллар бош

сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоиз, паррандалар 8,1 фоизга кўпайди.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бир қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Хусусан, хорижий инвестиция киритилган 16 та корхона ўз фаолиятини тўхтатиб қўйгани, Юқориширчиқ, Оққўрғон туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди. Касаначилик асосида иш ўринлари яратилиши ҳам айрим жойларда етарли қаратилмаёпти.

Фаоллар йилгилишда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижроси юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Йилгилишда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

Л. СУБИНОВ,  
ЎА мухбири.

Шунингдек, Жиззах, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм виллоятларида ҳам фаоллар йилгилишлари ўтказилиб, юқорида тилга олинган масалалар муҳокама этилди.



## Саноатимиз ривожининг юқори суръатлари

2009

йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

9,9

фоизга ўсди.

Ўтган даврда жойларда қўллаб янги саноат корхоналари ишга туширилгани, мавжудлар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани тўғрисида маълумотлар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва парламент юқори палатасининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун яқинда матбуотда эълон қилинди. Мазкур Қонун нафақат соҳа ходимлари учун, балки почта хизматидан фойдаланувчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

# ПОЧТА АЛОҚАСИ

## ИСТИҚБОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Қонундаги асосий янгиликлардан бири курьерлик институтининг жорий қилинишидир. Шу боис почта алоқаси хизматлари бозордаги муносабатларни ташкил этишнинг янги модели пайдо бўлмоқда. Почта алоқаси хизматлари почта ва курьерлик хизматлари ақрилади. Қонунда «почта хизматлари» ва «курьерлик хизматлари» тушунчалари аниқ чегараланиб, уларнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Почта алоқаси операторининг почта хизматларини, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнашти ва етказиб бериш бўйича фаолияти «почта хизматлари», почта алоқаси операторининг курьерлик хизматларини жўнашти ва етказиб бериш бўйича фаолияти «курьерлик хизматлари» деб эътироф этилди. Курьерлик хизматлари таркибидан эса, қисқа мuddатларда қўлдан-қўлга етказиб бериш билан амал-қил ошириладиган почта varaқчалари, хатлар, бандероллар, посилакар, босма нашрлар ўрин олди.

Ташкил этишга доир талаблар, жўнатмаларни расмийлаштириш стандартлари, техник тавсифлари ва сақлаш мuddатлари, маҳаллий, халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнаштиш ва етказиб бериш тартиби, почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши таққиланган ҳамда чекланган предметлар ва моддалар рўйхати, универсал хизматлар кўрсатиш тартиби ва уларнинг сифатига доир талаблар, бошқа ташкилий-технологик талабларга оид меъёрлар ўз аксини топди ва қонун даражасида белги-ланди.

Маълумки, Ўзбекистон тараққиёт моделининг бешта тамойилларидан бири — кучли иқтисодий сиёсатидир. Шу боисдан, почта хизматини кўрсатишда унинг иқтисодийлик хусусиятларига эътибор берилди. Универсал (лугавий) маъноси «кенг қамровли» хизматлар почта хизматининг иқтисодий аҳамиятини хизмати ҳисобланади. Универсал хизматларнинг таркибига фойдаланувчиларнинг почта varaқчалари, хатлар, бандероллар ва майда пакетларни Ўзбекистон Республикаси доирасида мақбул нархларда жўнаштиш ва етказиб бериш бўйича эътиборли қаноатлантиришга доир почта хизматлари киритилган. Универсал хизматлар кўрсатиш мажбурияти ҳуқуқат томонидан почта алоқасининг миллий

оператори зиммасига юклатилди. Шунингдек, почта алоқаси соҳасида «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти миллий оператор саналади. У кенг тарқалган инфра-тузилмага эга бўлиб, қишлоқ жойларда 2296 та, шаҳар жойларда эса 685 та почта алоқа бўлимлари эга.

### Қонун кучга кирди

Маълумки, бугунги кунда оддий хат тарифи 75 сўми, бюртом хатнинг тарифи эса 150 сўми ташкил этади. Хатларнинг иқтисодий аҳамиятини инобатга олиб, уларнинг тарифлари давлат томонидан тартибга солиномоқда. Хатларни жўнаштиш масофалари ҳар хил, ammo тарифлари бир хил. Адолат нуқтаи назаридан айтганда бўлса, битта хатни ўз манзилига етказиш харажати унинг тариф нархидан бир неча марта кўйди. Шундай бўлса-да, фуқароларнинг эъза ахборот алмашинишда почта хизматидан кенгроқ фойдаланишига имконият яратиш мақсадига уни-версал хизматлар кўрсатиш давлат томонидан қафолатланиб қўйилмоқда.

Аҳолининг турли қатламлари иқтисодий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш мақсадига қонунда имтиёзлар-ни белгиланган нормалар мавжуд.

Хусусан, миллий оператор томони-дан кўзи охишларнинг ва кўзи охиш-лар муассасаларининг эътиборини қаноатлантириш учун ер усти транспортда ташилладиган секо-граммалар (кўзи охишлар учун секо-шрифтлар билан эзилган эъзималар, босма нашрлар) белгиланган тартибда фуқароларнинг зарарининг ўрни ҳар бир ҳол учун алоҳида қопланади.

Маълумки, мамлакатимиз 1994 йилдан буён Бутунжаҳон почта иттифоқи аъзоси ҳисобланади. Шу иттифок Конвенциясига биноан, почта марказлари нафақат почта тўлови ҳисобланиши, балки ҳар бир давлатнинг суверенлигини ифодаловчи белгиси деб ҳам эътироф этилган. Уни қалбақлаштириш жиноят ҳисобланиб, қалбақлаштиришнинг олдини олиш юзасидан чоралар кўриш, айбдор шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари белгиланган таъсир этилган. Сир эмас, почта бозориди, шу жумладан, филателия соҳасида ҳам қалбақи почта марка-лари сотувда мавжуд. Улар ораси-да «Ўзбекистон» пазути шрифтлари, миллий қадриятларимиз ва алоқа нормаларига зид суратлар акс эт-тирилган ҳам учрайди. Қалбақи марказларни тайёрлаган шахслар қонун олдида жавоб беришлари ло-зимлигини келиб чиқиб уларнинг белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланди.

Янги тартибдаги қонунда ҳар бир фуқаронинг эркин тарзда маълумот олиш ва тарқатиш каби конститу-тив ҳуқуқлари қафолатланиб, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ҳамда эъзималар, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сир тутилишини риоя этиш, почта алоқаси хизмат-лари сифатига талаблар белгилан-ган бошқа меъёрлар ҳам ўз аксини топиб, келгусида почта ва курьер-лик хизматлари бозори истиқболга, бозорда янги операторлар ҳамда рақобат пайдо бўлишига ва соҳа ри-вожига ҳуқуқий асослар яратилди.

Фахриддин СОЛИБЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати.

# ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Нефть, газ қувурлари ва бошқа ер ости металл иншо-отлари хавфсизлигини таъминлашда уларни коррозия-дан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Академасоб» илмий-ишлаб чи-қариш бirlашмаси аниқ ме-ханика конструкторлик бўли-ми бошлиғи Владимир Файн-бойм. — Маълумки, ер ости-да жойлашган металл кон-струкциялари, айниса, қувур-лар тез ишдан чиқади. Бунда ер ости ва ер усти коммуни-кациялари — юқори вольтли кабеллар, рельсли транспорт-лар генерация қиладиган бе-қарор тоқлар деб аталувчи кўчнинг таъсирга тушадиган майдонларда коррозия жара-ёнининг кечими бир неча ме-трда тезлашади. Бундай тоқлар пайдо бўлишини ҳар-доим ҳам назорат қилиб бўлмайди. Тартибсиз жой-лашган савдо шохобчалари, дўконлар, гаражларнинг бир ерда жамланиши, электро-энергиядан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларни бузиш ҳоллари, подвездлар-ро кабель улагичлар, нолга тенг ўзгачини ерга асосиз улаш каби сабаблар бунга йўл қўймайди. Боз устига, бу тоқ-ларнинг таъсир доираси бир неча километрга етиши мумкин. Кўп йиллик тажриба шунини кўрсатадики, пўлат қувурларни ҳимоя усуналарисиз ерга ётқизилганда, улар-га 4-5 йилда шикаст етади. Бунинг натижасида қувурлар мuddатдан олдин эскиради, таъмирлашлар оралиғи қисқа-ради, ташилладиган махсулот-ларда йўқотишлар, фавқулод-да ҳолат ва авариялар юз бе-ради.

Бундай хавфдан қутулиш учун доимий тоқнинг ташқи манбаи — катод ҳимояси станциясидан фойдаланиш мумкин. У гальваник коррозия жараёнига қаршилик кўрсатиб, унинг тўзгичини бир неча ўн баравар пасай-тиради ва бу металл қурил-маларидан фойдаланиш мuddатини оширади. Бугунги кун-да катод ҳимояси станцияси коррозияга қарши ишончли ҳимоя воситаси қарши ишончли ўтамоқда.

Айни пайтда деярли бар-ча магистраль ва шаҳар қувурлари, ер остидаги нефть-газ сақланадиган ом-борлар, айниса, шўрланган тупроқли ҳудудлардаги ка-бель, қудуқлар ушбу усуна-лар билан жиҳозланган. Бун-дан ташқари, улардан темир йўл зонаси ва бошқа рельс-ли транспорт ўтадиган ҳудуд-ларда жойлашган ишлаб чи-қариш ва иқтисодий иншоот-лар пойдевори, кўприк, плат-форма, контакт тармоғи мач-таларини коррозиядан сақ-

лашда, антеннали иморатлар, юқори вольтли электроуза-тичлар ҳимоясида фойдала-нишмоқда. Мамлакатимизда янги катод ҳимояси ускуна-си ўрнатилган янги объект-ларни фойдаланишга топши-риш катъин таққиланган.

Иқтисодиёт соҳасида бу турдаги телемеханика ва ав-томатика тизимлари билан жиҳозланган замонавий асбоб-ускуналарга бўлган эътибор ортмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз са-ноатида уларни ишлаб чи-қаришнинг ўзлаштириши тақозо этади. «Академасоб» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси томонидан яратилган сўнгги ишланмалар ёрдамида бу масалани қисқа вақт ичида ҳал этиш мумкин. Бirlашма мухтассслари яратган комплексли мосламалар ор-тиқча ишлаши ва қисқа ту-васиталардан ишончли ҳимоя воситасига эга. Момақалди-қоқ маҳалида токни узати-ш бўйича авария тизими ишга тушади, шунингдек, станция-ни автоматик равишда иш-режимида ўтказиш имкони ҳам мавжуд.

Ушбу ускуна сановатда фойдаланиш хавфсизлиги бўйича давлат техника на-зорати инспекциясининг барча талабларига жавоб беради. Микропроцессор ва компью-тер техникаси соҳасидаги янги ютуқларни қўллаш на-тижасида ускуна ишончли-ги, самардорлиги, фойдала-нишдаги қўлайлигини ошира-диган, шунингдек, бир вақт-нинг ўзида бир неча объект-ларнинг комплекс ҳимояси-ни таъминлайдиган тизимлар билан боитилди. Истеъмол-чилар буюртмасига қўра, мо-дулли конструкция ёрдамида белгиланган техник характе-ристикага эга мосламаларни яратиш мумкин.

Янги махсулотни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши валюта маблағларини тежа-ш имконини беради, транспорт-лиққа учун харажат талаб қилмайди, техник хизмат кўрсатиш ва ускунани сошлаш сезиларли даражада арзон-лашади. Чунки бу вазибалар-ни мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхонаси ўз зим-масига олади.

Шуниси муҳимики, мазкур лойиҳани амалга оширили-ши мамлакатимизда бундай юқори технологияли ускуна-ни ишлаб чиқариши тўлиқ маҳаллийлаштириш, келгуси-да эса уни экспорт қилиш имконини яратади. Чунки Марказий Осиё давлатлари-нинг ҳеч бирида катод ҳимоя-си станциялари сановат дара-жасида ишлаб чиқарилмайд.

Ў. А. МУХБИРИ  
А. ИВАНОВА  
эъза олди.

## «Умид» кенгаймоқда

Хориждан тикув машиналари олиб келингандан сўнг Бойсундаги «Умид» хусусий корхонаси ишлари анча юришиб кетди.

### Интилиш

Ўтган йилнинг ўзида 900 мил-лион сўмликдан зиёд 30 турдаги трикотаж махсулотлари тайёрла-ниб, бозорга чиқарилди.

Айни пайтда корхона касаначиликни ривожлантириш орқали яна 100 та янги иш ўрни яратишни режалаштирмоқда.

О. УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маълумки, цемент тарки-би оҳақтош, лойли ком-понентлар ва қўшимчалардан иборат. Дастлаб майданган компонентлар махсус бассейнларда аралаштири-либ, печга юборилади. Бу ерда у юқори ҳароратда куй-дирилиб, ярим махсулот — клинкер тайёрланади. Клин-кер кейинги босқичда бошқа қўшимчалар билан бирга майданлашиб, қуқун ҳолатига келтирилади. Цемент ишлаб чиқариш — ана шундай мурракб жараён.

Илгари бир кеча-кундузда 6 минг тоннагача оҳақтош қазиб олинар эди. Янги экска-ватор ёрдамида бу кўрсат-кич 8 минг тоннага етказил-ди. Чунки унинг ишлаш тез-лиги юқори, боз устига, ко-вуш ҳажми катта — бир ҳара-катда 5,9 куб метр жинси юклай олади.

— Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларнинг жорий этилиши харажатлар-ни бир неча бараварга қис-қартирди, — дейди техноло-г Каримжон Дўстов. — Масал-ан, «Hitachi» — 1200» русум-ли экскаваторнинг сотиб оли-ниши электр энергияси сарф-ини кескин камайтирди. Не-гаки, турдош техникалар юқори кучлиниши электр энергияси ёрдамида ишлар-ди-да. Шу боис уларни қар-ега олиб чиқишдан олдин

симёғоч ўрнатилиб, кабель туртилар, махсус жой ҳозирланар эди. Табиийки, бу ишларни бажаришга маълум вақт талаб қилинарди. Янги техника ёнлиги билан ҳар қан-дай шaroитда ишлайверади.

каваторни бoshқарганман, — дейди Муҳиддин Парпиев. — Бу техника бoshқаруви енгил ва қўлайлиги билан аввалги-ларидан фарқ қилади. Қўриб турганингиздек, кабина за-мон талабларига мос қилиб

затами. «БелАЗ» автомаши-наларига пешма-пешма оҳақ-тош юклянапти. Бунга бир дақиқа ҳам вақт кетмайди. Ҳар бир машина 40 тонна-дан зиёд юк олган, чех то-мон ошиқади. Шу тариқа

сотиб олиниши бу борадаги ишларнинг ўзвий давомидир. Гап шундаки, эски экскава-торларни бoshқариш мурак-каб, атрофини кузатиш қийин-лиги бос икки киши то-монидан бoshқарилар эди. Чун-ки экскаваторнинг ёрдам-чи кабелларни мунтазам тўғри-лаб бoрар, орқа тараф-ни кузатиш унинг зиммасида эди. Янги техника амалда де-ярли хавфсизлиги билан бар-чага манзур бўлапти. Бу, та-биийки, иш суръатининг оши-шини таъминламоқда.

«Оҳангаронцемент» корхо-насида ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам ошириб ке-линапти. Жумладан, жорий йил биринчи чорағида 391 минг тонна махсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Унинг маъ-лум қисми экспорт қилинган-ни эътиборга сазовордир.

Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган кўрсатмаларга таяниб иш юритилаётгани тўғрисида юқори натижаларга эришил-либ, хатто янги бозорларга кириб бoрилапти. Масалан, бу йил мижозлар сафига Қирғизистон ва Туркменистон давлатлари ҳам қўшилди. Бу экспорт ҳажми ошишидан далолатдир.

Саид РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Ҳасан ПАЙДОНОВ  
олган суратлар.



Ушбу қудратли техника ор-қали тупроқ ишлари ҳам ба-жарилади. Мутахассслар-нинг айтишича, унинг кучи билан қонларда 27 метр чу-қурликкача қазиб ишларини олиб бoриш мумкин.

— 30 йиллик фаолиятим-да бир неча русумда экс-

каваторнинг иш жараёнини ку-ририлиш «хамиртуруши»ни ишлаб чиқариш узлуқсиз давом этаверди.

— Корхонада амалга оши-рилаётган янгиликлардан, энг аввало, инсон манфаатлари, уларнинг хавфсизлиги кўзланган, — дейди А. Хусан-онов. — Янги экскаваторнинг

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ БЎҲРОНИНИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БАРТАРАФ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биринчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлашни янда жадаллаштириш, замона-вий, мослашувчан технологиялар-ни кенг жорий этиш.

Иккинчидан, жорий конъюнк-тура кескин ёмонлашиб бoраёт-ган ҳозирги шaroитда экспортга махсулот чиқарадиган корхона-ларнинг ташқи бозорларда рақо-батдош бўлишини қўлаб-қувват-лаш бўйича конкрет чора-тадбир-ларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

Учинчидан, қатъий тежаком-орлик тизимини жорий этиш, иш-лаб чиқариш харажатлари ва мах-сулот таннархини камайтириш рағбатлантириш ҳисобидан кор-хоналарнинг рақобатдошлигини таъминлаш.

Тўртинчидан, электроэнерге-тика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолчини ка-майтириш ва тежаанинг самара-ли тизимини жорий этиш чор-аларини амалга ошириш.

Бешинчидан, жаҳон бозориди-да талаб пасайиб бoраётган бир ша-роитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўлаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гoят муҳим аҳамиятга эга.

— Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридан сакловчи тўсиқнинг «ғиштчалари» бирданига ва бугунгидек мурак-каб шaroитда шаклланиб қолма-ган, — дейилади Саудия газе-тасида. — Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича танланган ўз йўли анча аввал ишлаб чиқилган. Бу-гун ушбу йўлни таққиллар ва механизмлари нафақат мамлакат-нинг узок мuddатли манфаатла-рини, балки экстремал вазиятлар-дан чиқилишни қафолатини ҳам таъминламоқда. Шунингдек, жаҳон инқирози шaroитида ҳам, ҳар би сармолагга йўнал-тириб келинган. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон банк тизими капита-

лининг етарлилик даражаси, ка-питал базаси ва ликвидлигини кескин оширишга имкон берди. Ўзбекистон банкларининг пул маблағлари ва захиралари ишлаб чиқариши модернизациялаш ҳамда янгилашга, рақобатдош махсулотлар ишлаб чиқариши таъминлашга йўналтирилди.

— Давлатнинг молия-иқтисод, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг барча реал тармоқларининг барқарор ва узлуқсиз ишлашини таъминлашга йўналтирилган оқилона сиёсати бугунги кунда Ўзбекистонга нафа-қат банкларни назорат қилувчи халқаро ташкилотларнинг муҳим талабларига риоя этиш билан бо-ғлиқ бўлган барча марраларни за-бт этишга, балки жисмоний ва юри-дик шахсларнинг ҳисоб рақамла-рига ўз вақтида хизмат кўрсати-лишини қафолатлашга имкон бер-ди, — дейилади мақолада. — Ўтган йилнинг энг муҳим ютуқла-ридан бири жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари билан «Муди» агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимига бир

йўла учта йўналиш, яъни, банк-мо-лия тизимининг барқарорлиги, миллий валютада узок мuddатли депозит рейтингини ва хорижий ва-лютада узок мuddатли депозит рейтингини йўналишлари бўйича «барқарор» рейтинг даражаси бел-ригани бўлди. Мазкур агентлик ҳисоботида таъқилданганидек, «Банк тизими учун ижобий баҳо банкларни назорат қилиш муҳити мустаҳкамлигини, банк тизимининг потенциал ўсишини, молия тизим-мидаги таркибий ўзгаришлар ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини акс эттиради».

— Ўзбекистонда мавжуд бугун-ги вазиятнинг таҳлили, энг аввало, фуқаролар фаровонлиги ва жаҳон бозоридида мамлакат иқти-содиётининг рақобатдошлигини таъминлашга йўналтирилган мо-ярта дернизация қилиш ва янгилаш дернизация давом эттиришининг на-фақат асосли, балки ҳаётий дол-зарб эканлигини аққол тасдиқлай-ди, — деб яқунланади «Ал-Жазир-а» газетасининг мақоласи.

«Жаҳон» АА,  
Ар-Риёд

Бухоро шаҳрида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

## БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШАД

Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазириклари, «Камолот» ёшлар иж-тимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда танлов-нинг Қорақалпоғистон Рес-публикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят босқичи гоилиблари ўз билим ва ма-ҳоратларини намойиш эт-тирди. Кўрик-танлов ёшларнинг ҳуқуқий билим-ларини ўзлаштиришга инти-лишлари кўнайганини кўрсатди. Пировадидида би-ринчи ўрин Тошкент вило-яти шарафини ҳимоя қил-ган «Соҳибқирон» гуруҳига насиб этди.

Фoлиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсда-лик совғалари билан тақ-дирландилар.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Анжуман

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки ташаббуси билан Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шaroитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда банкнинг вилоят бoshқармалари ва худудий филиаллари бoshликлари, шунинг-дек, акциядорлар иштирок этди.

## ДАСТУРИЙ ЧОРАЛАР САМАРАСИ

Анжуманда таъқид-ланганидек, молиявий инқироз ҳамон жаҳонда-ги энг долзарб муаммо-лардан бири бўлиб тури-рибди. Президентимиз-нинг мазкур китобида унинг келиб чиқиш са-баблари, мамлакатимиз-га таъсирининг олдини олиш ва юмшатиш бўй-ича тегишли йўл-йўриқлар берилган. Банкларнинг капиталлашув даражаси-ни ошириш, иқтисодиёт-нинг етакчи тармоқла-рини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, янги инновация лойиҳаларини жорий этиш масалалари шулар жумласидандир. Бу бо-радаги дастурий чорал-лар ижроси изчил таъ-минланаётгани тўғрисида мамлакатимиз иқтисоди-ётини ўсиш суръатлари юқори бўлмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалик тармоғининг барқарор ривожланиши таъминлаш учун, Президентимизнинг қарорига асосан, очик акциядорлик тижорат «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Унинг зиммаси-га барча мулкчилик шак-лидаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг молия-лаштириш механизм-ларини изчил таққилла-штириб бoриш вази-фалари юклатилди.

Анжуманда ОАТБ «Аг-робанк»нинг умумий йиллик ҳисоботи тинг-ланди. Шунингдек, ОАТБ «Пахтабанк» ОАТБ «Аг-робанк»ка айлантилган-лиги муносабати билан банк уставининг янги тахрири акциядорлар то-монидан бир овоздан тасдиқланди.

Р. САИДОВ.

# «ТОШКЕНТ НИҲОЛЛАРИ»

Дилдорлар наво, маънодор куй-қўшиқ дилларни эзгу ҳисларга ошно этади. Шу бож бу севрли санъат ёш авлод тарбияси, ўғил-қизлар маънавий дунёқарашини юксалтиришда беқисс таъсир кучига эгадир.

ТАНЛОВ

Зеро, бугунги кунда Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мусиқа ва санъатга ихтисослашган мактабларда ёшлар иқтидорини юксалтиришга жиҳдий эътибор қаратилаётир. Ўзбек Миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтган фестивал, айтиш жоизки, ана шундай саъй-ҳаракатларнинг амалдаги тасдиғи бўлди. Мазкур "Тошкент ниҳоллари" деб номланган болалар ижодиёти кўрик-фестивали "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Мирзо Улугбек тумани Болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.



Темур ҚУРБОНОВ олган сурат.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу танловда пойтахтимиздаги қатор ижодиёт уйлари, махсус мактаб-интернатлар, умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг бадийий жамоалари иштирок этди. Эътиборлиси шундаки, ушбу тадбир ёш авлоднинг ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва истеъдодли

Муробак ОХУНОВА, Темур ҚУРБОНОВ олган сурат.

## Яхши хабар

Когон шаҳридаги Қоровулбозор шохқўчасида тўрт қаватли янги турар-жай биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

## Уйлар муборак

Объектни "Бухороўй-курулик" ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари барпо этишди.

Уч ва тўрт хонали уйларда яшаш учун барча қулайликлар мавжуд. Маҳаллий иқлим шароити ҳам ҳисобга олинган. Қуни кеча 32 та оилага янги уй калитлари топширилди. Уларнинг аксарияти ёш оилалардир.

И. ИСТАМОВ.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

Республика Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти

билан ҳамкорликда

### «МАЪНАВИЯТ ВА ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ»

руқинида турқум китоблар, рисолаалар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар учун қўлёзмалар танловини эълон қилади.



Танловда мазкур эълон чоп этилганидан сўнг 1 ой муддатда ушбу йўналишда тайёрланган қўлёзмалар билан иштирок этиш мумкин. Ҳолиларга алоҳида биринчи, иккинчи, учинчи мукофот ҳамда 5 та рағбатлантирувчи мукофот берилиши кўзда тутилган.

Тақдим этилган қўлёзмалар қайтарилмайди, танловда ғолиб деб топилган қўлёзмалар чоп этилади.

Танловнинг бошқа шартлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишигизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 45-уй. Телефонлар: (99 871) 232-60-34, 232-60-61, 232-61-26. Факс: (99 871) 239-17-83.

**ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

**«АСАКА» банки (ОАЖ)**

миллий валютада янги омонат турларини таклиф этади.

**«БОЛАЖОН»**

Сақланиш муддати — 1 йилдан ошиқ.  
Омонат бўйича йиллик 22% ҳисобланади.

**«ОРЭУ»**

Сақланиш муддати — 3 йил.  
Омонат бўйича йиллик 18%+3% бонус ҳисобланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-14
2. «Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(371)	120-84-26
4. Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5. Сирғали филиали	(371)	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(3742)	24-40-96
8. Асaka филиали	(3742)	33-13-69
9. «Фарход» филиали	(3742)	26-62-37
10. Фарғона вилояти филиали	(3732)	24-70-83
11. Марғилон филиали	(3732)	37-12-37
12. Олтиариқ филиали	(3734)	32-10-11
13. Қўқон филиали	(3735)	52-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(3692)	26-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(4362)	23-54-32
16. Зарафшон филиали	(4365)	73-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(3652)	23-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(3652)	24-24-29
19. Самарқанд вилояти филиали	(3662)	31-19-97
20. «Афросиёб» филиали	(3662)	34-18-10
21. Қашқадарё вилояти филиали	(3752)	21-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(3612)	23-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(3622)	26-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(3672)	25-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(3722)	26-43-11

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПЎЙШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

## Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

### «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди 2009 йил 28 май куни соат 11.00 да такроран ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 802Эн-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразм автоўй» махсус йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳри, И. Досов кўчаси, 19-уйда сақланаётган «Ниссан-Патруль» русумли, давлат рақами 30С5445 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 29 629 218 сўм.

Шунингдек, корхонага қарашли бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Халқа йўли, 7-уйда сақланаётган:

• «Хундай экус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, давлат рақами 22АА100 бўлган, техник соз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 42 120 000 сўм.

• «Хундай грейнджер» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, давлат рақами 22АЕ100 бўлган, техник соз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 32 400 000 сўм.

• Урганч шаҳри, Бинокор кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1382,27 кв.м. бўлган, 20 кишилик мехмонхона тилида қурилган, 2 қаватли тураржай биноси.

Бошланғич баҳоси — 324 898 995 сўм.

• Урганч шаҳри, Хива шохқўчаси, 1 км.да жойлашган, умумий ер майдони — 32792,37 кв.м., қурилиш ости ер майдони 4940,34 кв.м.ни ташкил қилган автобаза бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 297 003 413 сўм.

II. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 29 сентябрдаги 4915-сонли ва 2008 йил 6 октябрдаги 6678-сонли ижро варақаларига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 97-уйда жойлашган, «Урганч йўловиташини» ОАЖга тегишли қўйидаги кўчмас мулклар:

• Қурилиш ости ер майдони 447,32 кв.м.ни ташкил қилган 2 қаватли мамыурий бино.

Бошланғич баҳоси — 135 130 136 сўм.

• Умумий ер майдони — 2023,08 кв.м., қурилиш ости ер майдони 403,08 кв.м.дан иборат ҳаммом, автобулар қириш дарвозаси, бостирма (навес) ва асфальт майдон.

Бошланғич баҳоси — 85 374 900 сўм.

• Қурилиш ости ер майдони 853,98 кв.м.ни ташкил қилган, автобуларни таъмирлаш устaxonаси ҳудудида жойлашган 2-сонли устaxonа биноси.

Бошланғич баҳоси — 151 804 710 сўм.

• Қурилиш ости ер майдони 250,24 кв.м.ни ташкил қилган, автобуларни таъмирлаш устaxonаси ҳудудида жойлашган 3 та кўрик чуқури (яма) жойлашган бино.

Бошланғич баҳоси — 60 239 468 сўм.

• Умумий фойдали майдони 273,63 кв.м.ни ташкил қилган, 1-ёрдамчи бинонинг 2-қаватида жойлашган, 4 та хонадан иборат клуб биноси.

Бошланғич баҳоси — 67 899 362 сўм.

III. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 29 майдаги 1966-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразмурилиш» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, И. Досов кўчасида жойлашган, 1-сон ишлаб чиқариш филиали ҳудудида, қурилиш ости ер майдони 489,36 кв.м.ни ташкил қилган 3 қаватли мамыурий бино ва қозонхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 219 672 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бебосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидида талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган холда савдо ташкилотчиси — РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобононов кўчаси, 23-уй. Телефонлар: (8-362) 226-32-63, 226-43-64. www.rkmb.uz

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

**NEW HOLLAND TL5060**

TEL.: 120 60 97 - 120 89 58

**NEW HOLLAND AGRICULTURE**

СИЗНИНГ МУВАФАҚИЯТИНГИЗ — БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

максимальная грузоподъемность — 8 т  
максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)  
максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

**АВТОКРАНЫ:**

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**  
максимальная грузоподъемность — 14 т  
максимальная высота подъема — 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
максимальная грузоподъемность — 16 т  
максимальная высота подъема — 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
максимальная грузоподъемность — 25 т  
максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.  
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.temz-kran.uz

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



София (Болгария) шахрида трамплин бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди.

Екатеринанинг муваффақияти

Унда ҳамюртимиз, Пекин Олимпиадаси бронза медали соғирдорини Екатерина Хилько муваффақиятли иштирок этди.

ЎНИНЧИ ТУРДАН СЎНГ...

Россиянинг Нальчик шахрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқич учрашувлари давом этмоқда.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини химоя қилаётган Рустам Қосимжонов ўнинчи турда америкалик гротсмейстер Гата Камскийга қарши дونا суриб, 0,5:0,5 дуранг натижага эришди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича аяланди: Александр Гришчук (Россия) — Евгений Алексеев (Россия) 1:0, Левон Аронян (Арманистон) — Павел Эльянов (Украина) 1:0, Петер Лекко (Венгрия) — Борис Гельфанд (Исроил) 1:0, Шахриёр Мамадиёров (Ўзбекистон) — Пётр Свидлер (Россия) 1:0, Владимир Аюпов (Арманистон) — Этьен Бакро (Франция) 0,5:0,5, Сергей Карякин (Украина) — Василий Иванчук (Украина) 0,5:0,5.

Унинчи турдан сўнг арманистонлик Левон Аронян 6,5 очко билан яққа пешқадам бўлиб турибди. Хамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳисобида 4,5 очко бор.

ЕТТИ УЧРАШУВ, ЕТТИ ҒАЛАБА

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигаси ўйинлари тобора қизин паллага кириб бормоқда. Қуни кеча якунланган еттинчи тур учрашувлари ҳам муросасиз курашлар остида ўтди.

Ушбу турнинг марказий ўйини, деб Тошкентда ўтган "Бунёдкор" — "Олмалик" учрашувини айтса бўлади. Сабаби, ҳозиргача ҳар икки жамоа пешқадамлар сафида бораётганди. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони биринчи бўлимадди, Эдсон Рамос ва Анвар Солиев (иккита) томонидан киритилган голлар эвазига 3:0 ҳисобида олдига чиқиб олди. Иккинчи бўлимадди мексиконлар вакили А. Фоменко жавоб тўлини киритиб, учрашувнинг 3:1 ҳисобида якунланишини таъминлади.

Таъкидлаш лозимки, "Бунёдкор" ҳозирча чемпионатда 100 фоизлик натижа (етти учрашув, етти ғалаба) қайд этиб турган ягона жамоа ҳисобланади.

Яна бир қизиқарли беллашув Жиззахда "Пахтакор" — "Сўғдиёна" жамоалари ўртасида кечди. Ишқибозлар билан лик тўлган стадионда мезбонлар "пахтакорчи"ларга муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилишди. Аммо ҳар жиҳатдан кучли саналган меҳмонлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб,

навбатдаги 3 очкога эга бўлишди. Кучли ўчида бораётган "Насаф" Бекобод шахрида "Металлурги"ни 1:3 ҳисобида доғда қолдирди. Энди қашқадарлик футболчилар 29 апрель куни Тошкентда "Пахтакор"га қарши (қолдирилган ўйин) ўтадиган жиддий баҳсга ҳозирлик қилишди.

Еттинчи турдан кейинги вазият:

Table with 6 columns: Team, W, D, L, Pts, Goals. Lists teams like Bundekor, Nasaf, Paxtakor, Olmalik, Xorazm, Lokomotiv, Sugdiyena, Navbahor, Andijon, Neftchi, Shurtan, Qizilqum, Metallurg, Bukhoro, Dinamo, Mashal.



қарши (қолдирилган ўйин) ўтадиган жиддий баҳсга ҳозирлик қилишди.

"Хоразм" жамоаси ҳам ўз мухлисларини хурсанд қилишда давом этмоқда. Улар бу сафар Муборақда "Машъал" клуби устидан 1:2 ҳисобида зафар қўчишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Навбахор" — "Локомотив" 2:0, "Динамо" — "Андижон" 1:1, "Қизилқум" — "Бухоро" 3:2, "Нефтчи" — "Шўртан" 1:1.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ.

Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодий коллежиди «Саломатлик қуни» спартакиадаси бўлиб ўтди. Мингдан зиёд ўқувчи таълим олаётган мазкур коллежда анъанавий тус олган бу тадбир ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўғил-қизларнинг маънави етуқ, жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

САЛОМАТЛИК СПАРТАКИАДАСИ

Бу галги спартакиада доирасида арқон тортиш, югуриш, узунлик сакраш, ядро иргитиш, гимнастика, кросс, эстафета, футбол сингари спорт турлари бўйича ўғил болалар ва қизлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Ўқувчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда беллашувларга ва голиб деб топилганлар кубок, махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Утган йили эркин кураш бўйича республика мусобақасида қатнашиб, чемпион бўлдим, — дейди коллеж ўқувчиси Ботир Файзиев. — Шу боис коллежимиз спартакиадасининг тантанали очилиш маросимида мусобақа машъаласини ёқиб менга насиб этди. Бундан жудаям хурсандман. Аслида, мамлакат чемпионлигини қўлга киритишда ҳам ўқув дароғимизда доимий ўтказиб туриладиган мана шундай спорт мусобақаларида, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этганлигим муҳим аҳамият касб этди, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, таълим масканида ёшларни фаолликка ундовчи бундай тадбирлар мунтазамлик касб этган. Хусусан, «Югурушлар қуни», «Қизлар спартакиадаси», «Меҳнатни шарафлаш қуни», «Иллатларга қарши курашамиз» деб номланган анъанавий йиғинлар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларда интилувчанлик ва ташаббускорлик хислатларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шу боисми, бугун коллежда спорт соҳасида қатор ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритаётган ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Масалан, Иброҳим Аҳмаджонов, Одил Мухаммадиев, Бегзод Сувоқуллов, Хусниддин Низомиддинов, Ганишур Асадов сингари ўқувчилар Турон аққураши, эркин кураш, каратэ-до, кикбоксинг, суиш каби мусобақаларда мамлакат чемпиони номига сазовор бўлишган.

Муборак АНВАРОВА.

ЙЎЛЛАНМА ЭГАЛАРИ МАЪЛУМ

Тошкентда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасининг финал беллашувлари ниҳоясига етди.

Унда ўн тўрт нафар «Ақл гимнастикаси» усталари олий лигага бериладиган йўлланмалар учун дونا суришди. Мусобақа якунида Юлдуз Ҳамроқуллова (Жиззах), Баҳодир Холмирзаев (Наманган), Александр Касян (Тошкент), Акмал Файзуллаев (Қашқадарё) ва Беғали Саидов (Сурхондарё)лар энг кўп очко тўплаб, олий лига йўлланмасини қўлга киритдилар.



«Рейнбўйи аёллари»

Яқинда Фарғона вилояти Ахборот-кутубхона марказида шу мавзуда очилган фотожўрналга Германия аёлларининг ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, давлат бошқарувидаги иштироки масалаларига бағишланди.

Кўргазма 30 дан зиёд фотосуратлар намойиш этилмоқда. Германия Федератив Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Тошкентда фаолият кўрсатаётган Гёте институти ҳамкорликда ташкил этган кўргазма чоғида фарғоналик тадбиркор, ишбилармон, олимпиа аёллар билан Рейнбўйидан ташриф буюрган меҳмонлар ўртасида самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

UPS аккумулятор батареялари етказиб бериш бўйича очик танлов эълон қилади. Тижорат тақлифлари 2009 йил 25 май соат 15.00 гача қабул қилинади. Мулоқот учун телефонлар: 249-65-85, 249-64-27, 238-56-50. Факс: 249-62-18.

ЎЗБЕК СОЗИНИНГ ОВОЗАСИ

Дунёда чолғу асбобларининг тури кўп. Хусусан, скрипка, фортепьяно, виолончель, саксофон каби музика созларидан бугун жаҳоннинг барча мамлакатларида кенг фойдаланилади. Қувонарли жиҳати, кейинги йилларда ушбу созлар қаторидан ўзбек миллий чолғу асбоблари ҳам жой олаёпти.

Айниқса, дутор, кашкар рубоби, гижжак, афгон рубоби каби музика асбобларида нафақат миллий куй ва оханларимиз, балки жаҳон музикасининг дурдона асарларини қойилмақом қилиб ижро этаётган ёшларимизнинг юксак маҳорати ва ёрқин истеъдоди дунё санъат илосмандларининг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Жумладан, яқинда Россия пойтахти Москва шахрида бўлиб ўтган Н. П. Осипов номидаги халқаро танловда юртимиз вакиллари — Р. Глиэр номидаги республика иқтисослаштирилган музика академик лицейи ўқувчилари муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

Жорий йилни катта муваффақиятлар билан бошлади, — дейди лицей директори ўринбосари Жаҳонгир Ибрагимов. — Хусусан, февраль ойида Санкт-Петербургда шахрида ўтказилган IV халқаро музика фестивал-танловда ўқувчиларимиз 1 ва 3-ўринларни эгаллаб қайтишганди. Кўп ўтмай, мана, лицейнинг яна икки нафар ўқувчиси — Мухторжон Мухаммадалиев афгон рубоби созида 1-ўрин, Хошимжон Қобилов эса дутор-бас чолғу асбобида

асарлари ҳам ўрин олган эди. М. Мухаммадалиев, Х. Қобиловлар томонидан афгон рубобида ва дутор-басда ижро этилган бу асарлар ҳақамлар томонидан юксак баҳоланди.

Мизга юқоридаги асарларни яна бир бор ижро этиш тақлифи тушди. Очиғи, ўзбек сози ва музикасининг шеҳри ҳамда қудратига ана шундай халқаро танловларда ижро бўлаёпман. Сурайё Тиллаҳўжаева республикамиз миқёсида 30 бор, халқаро миқёсида эса 4 бор турли танловларда совриндорликка эришган. Москвадаги халқаро танловда ҳам унинг маҳорати яна бир қарра юқори баҳоланиб, «Энг яхши журналист» номинацияси бўйича голибликка лойиқ деб топилди.

Президентимиз қарори асосида ишлаб чиқилган Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури бу соҳада янада юксак марраларни забт этишимиз учун асос бўлмоқда, — дейди лицей ўқитувчиси Бахтиёр Зияев. — Ўқувчиларимизнинг халқаро миқёсдаги муваффақиятлари туфайли яқинда Белорус ва Испания давлатларида ўтказиладиган кўрик-танловларда иштирок этиш учун тақлиф келди. Айни кунда эса Францияда бўлиб ўтадиган Николай Рубенштейн номида V халқаро музика танловда иштирок этиш учун пухта ҳозирлик кўраёпмиз.

Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Янги фильм тақдимоти

«Коракалпоқфильм» студиясида «Ўзбектеелефильм» давлат унитар корхонаси ва «Умр Алп» киностудияси ҳамкорлигида «Ҳаёт-мамонт» бадиий фильми сурат олинди.

Куни кеча ушбу фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Фильм ижодкорлари кино асарда терроризм, диний экстремизм, қурол

ароғ ва гийёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофиза қилиш идоралари ходимлари томонидан олиб борилаётган ишларни қизиқарли саргузашт воқеалар орқали очиб беришга ҳаракат қилишган.

Фильм намойишидан сўнг сўзга чиққанлар ушбу кино асарнинг ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

UZBARREL PRODUCTION Совместное ПЛАСТМАСС БОЧКАЛАРИ Европа стандарти

ОБ-ҲАВО (28 апрель) Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 1-6 даража илқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ • УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ • 5³ в/ч дан 500³ в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ» РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақлари, кляссер ва ўқителарга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғма Г — 356. 46280 нусхада босилди.

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — А. Болшев. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусоахх — Х. Топхўжаев.